

Турт нарсга турт хил кишида булмайди: Ёлгончида — мурувват, бахилла — саодат, ҳасадчида — роҳат, жанжалкашда — буюклик.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН



Ма'рифат

МА'РИФАТ * ХАЛҚ ВЕБСАЙТИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган

1997 йил 11 январь, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.

№ 4 (6900)

Яқинда республика Маданият ишлари вазирлиги ва «Узавтосаноат» бирлашмаси Республика болалар ижодияти марказига «Дамас» микроавтобусини соғға қилди. «Узавтотеххизмат» уюшмаси эса унга сервис хизмати куратинини зиммасига олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМГАРМАСИНИ ТУЗИШ Тўғрисида

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жаҳон андозлари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар улкан ҳисса қўшишни назарда тутиб, Ватанга филокорона хизмат қилганидан, салоқатли, унинг буёқ ва кудратли бўлиши учун қайғуралганим, уз иқтидори билан она-юртни улдулашга қобил истеъдодли йигит-қизлардан халқ ҳужалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларининг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамгармаси тузилсин. Жамгарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Камолот» жамгармаси, шунингдек Ўзбекистонда фаолият курсатаётган қатор қўшма компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамгарма ҳомийси бўлиши ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин, ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.
Бундан бунён Жамгарма бошқаруви ҳомийлар таркибини, шу жумладан чет элдик ишторкичалар ҳисобига ҳам кенгайтириш ҳақидаги таклифларни қўриб чиқиши белгилаб қўйилсин.

3. Жамгарма фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Жамгарма солиқлар, туловлар ва божларнинг барча турларидан озод қилинсин.

4. Қўйидагилар жамгарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида истеъдодли ёшларни танлаб олиш, саралаш ва уқитиш, тегишли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимига жорий этиш ҳамда танлов асосида чет эл уқув юрталарига уқитишга юбориш;

— қобилиятли ёшларнинг нифузали халқаро олимпиада ва танловларда иқтидорли ёшларни ташкил қилиш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек етакчи чет эл олий уқув юрталари ва илмий марказлари, таълим йўналишида фаолият курсатаётган халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар билан узаро ҳамкорлик муносабатларини урнатини;

— иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозлари талаблари даражасидаги илгор билимлари асосида тахсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавиятли юқори малакали мутахассис бўлиб етиштирилишига моддий-маънавий ҳомийлик қилиш;

— чет эл олий уқув юрталарида таълим олаётган ҳамда таълим олиб келган иқтидорли ёшлар билан доимий алоқалар урнатини, уларни миллий тиклашни мафқурасига асосланган ҳолда умумбаъшарий қадриятларни урнатишга, Ўзбекистон илм-фанининг шон-шухратини, обрў-эътиборини дуневий миқясларга олиб чиқишга даъват этиш.

5. Иқтидорли ёшларни чет элда уқитиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентини грантлари (уқитиш харажатлари учун берилган мукофотлар) жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентини грантларини бериш тартибини ишлаб чиқишлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсинлар.

6. Жамгарма йўнланмаси бўйича хорижда уқитиш ҳар йили тасдиқланган устувор мутахассислар бўйича амалга оширилинсин ва устувор мутахассисларнинг таълим шакллари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентини грантлари бўйича чет элда таълим олиб келган еш мутахассислар Ўзбекистон учун устувор бўлган соҳаларга давлат томонидан ишга тақсимлансин ва уларнинг иш фаолияти, шунингдек ҳаёти билан боғлиқ булган барча масалаларга алоҳида аҳамият берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармоннинг амалга оширилишига доир ташкилий тадбирларни қўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 7 январь.



ХАЁЛЛАР ИШОНЧГА ЖОЙ БЕРДИ

Буёқ мумтоз адабиети-нинг ирриқ намоёндаларидан бири Муъин Жувайний ҳазратлари тубандагича лутф этган эканлар: **қобилият эгасининг бошини силмаслик, золмлик, истеъдод йўқни тарбиялаш жоҳиллик.**

Дарвоқе, истеъдод нима? У нима билан улчанади? Қачон пайдо бўлади? Иқтидорли бўлиш сунъийми ёки та-

биийми? Шу хил маънодаги тизгинсиз саволлар ёмғир бўлиб еғатганда қўнида янги бир ҳайрат турлади. Бу ҳайрат қувончга, қувонч эса фаҳрга омухта бўлиб кетди.
Хуш, нима учун тарих куксига табаррук номи қолган буёқ зотларнинг ярмидан кўпи айнан мана шу тупроқдан, шу улқадан — Туркистондан униб чиқдилар. Ҳатто, уага халқ мутафаккирлари ҳам қоғоз-қалами-

ни елкалаб келиб, шу юрда ижод қилдилар, камол топдилар. Нега?

«Нега»ларга битта жавоб бор. Бу юрда меҳр бор, эзгулик бор, нймон бор. Ҳа, ҳамма гап шундайки, улқамизда азаладан илму маърифатга бўлган ҳурмат-эътибор халқимиз қўнғида чекизи, четарасиз. Қуни кеча Ўзбекистон Республи-

(Давоми 2-бетда).

Муносабат



БИШКЕК УЧРАШУВИ

Ўзбекистон республикаси Президенти Ислам Каримов 9 январь куни Қирғизистон пойтахти Бишкекка келди. «Манас» аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбоев кўтиб олди.
Шу куни мамлакатимиз раҳбари учун ажратилган «Ола арча» қароргоҳида Ўзбекистон республикаси ҳукумати уртасида 1997 йилда табиий газ етказиб бериш ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Бош вазирининг

биринчи уринбосари И. Журабеков ва Қирғизистон Бош вазирининг биринчи уринбосари К. Наёнаев имзолади.

Кеча яқин Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбоев шарофига расмий қабул маросими уюштирилди.

Кеча Қирғизистон ҳукумат уйида ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномага аъзо мамлакатлар — Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозогистон давлатлари раҳбарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди.

(УзА).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Чехия Республикаси Президенти Вацлав Гавелнинг таклифига биноан шу йилнинг 14—16 январь кунлари расмий ташриф билан Чехия Республикасида бўлади.

• Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Словакия Республикаси Президентини Михал Ковачининг таклифига биноан шу йилнинг 16-17 январь кунлари расмий ташриф билан Словакия Республикасида бўлади.

• Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони билан республикадаги бир қанча корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг алоҳида намуна кўрсатган бир гуруҳ ишчилари ва хизматчилари мукофотландилар.

• «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори матбуотда эълон қилинди.

• «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда уни амалга ошириш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори матбуотда эълон қилинди.

• Пойтахтимизнинг Темурийлар тарихи давлат музейида «Инсон манфаатлари ва маънавият» мавзуда семинар-кенгаш ўтказилди.

• АКШ ҳукумати Россия Федерациясининг Кипр Республикасига «С-300» русумидаги зенит ракеталарини етказиб бериш тўғрисидаги бу иккала мамлакат имзолаган шартнома Кипр оролида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ҳаракатида салбий таъсир кўрсатмади, деб ҳисобламодда.

• Чехия ҳукумати қошида мамлакат бош вазири Вацлав Клоус ташаббуси билан «бюрократияга қарши комиссия» тузилди.

Ўқитиш назар

ФАНЛАР УЙГУНЛАШТИРИЛСА...

Сунғи кунлар имкониятлари халқ таълими жаҳасида ҳам турли ўзгаришлар ясай бошлади. Бу ўзгаришларнинг дастлабки қадамлари хусусида янги фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Аммо ҳануз қислоқ мактабларида «экси ҳамом, эски тос». Республикамизнинг 60 фоиз аҳолиси қишлоқларда истиқомат қилишади. Бундан чиқди мактабларнинг ҳам 60 фоизи қишлоқларда жойлашган. Гоҳ уйланиб қоламиз, нима учун ўн бир йил ўқиб, баъзи ёшларини тўғри ўқитишни билмайди? Фикрлар савияси нега паст? Айб кимда?

Мен шу асосда 30 йиллик педагогик фаолиятим кузатишлари маҳсули билан уртоклашмоқчиман. Булажак мутахассис биланларнинг асоси мактабдан бошланади. Уқувчининг зоҳиран ва ботинан олган илми ўқитувчи маҳсулидир. Лекин бунинг бошқа объектив ва

субъектив томонлари ҳам бор. Менимча, мактаб маъмурияти ўқитувчининг даср билан таъминлашда нафақат унинг мутахассислигини, балки унинг ёши, шахсий ҳислатлари, ҳатто оилавий шароитини ҳам ҳисобга олиши зарур.

Ҳаётини кузатишларимга асосланиб айтишим мумкинки, мактаб раҳбарлари таълим-тарбиянинг сифат ва самардорлигини йўлга қўйишни истар эканлар, аввало, асосий диққат-эътиборини бошланғич синфларга қаратмоғи керак. Ҳозирги вақтда олийгоҳни тамомалаган йигит-қизлар уз қишлоғига шошилишади. Мактабда эса бир мутахассислик бўйича дарс неча ўқитувчи бўлади. Халқ таълими раҳбарлари бунини эътиборга олмай мутахассисини бошқа мутахассислик бўйича дарс билан таъминлайди. Қанақа мутахассислигини қатиби назар, ўқитувчи аттестациядан ўтса, дарс бериш ҳуқуқига эга бўлади. Афсуски, айрим мактабларда

утказилаётган бугунги аттестация номини булайтирилади.

Мактаб олий уқув юртига, олий уқув юрти эса мактабга кадр тайёрлаб беради. Ана шу икки соҳани бир мақсад, бир йўналишдаги ҳамкорлиги бўлмаса, таълим-тарбия сифати ўзгармайди. Фикримча, «Таълим тўғрисида»ги қонунга асосан таълимнинг икчамлаштирилиши, иккинчи даражали фанларни ўқув режасидан олиб ташлаш, шу билан бирга таълимни интеграциялаш, яъни бир-бирига яқин бўлган фанларни бириктириш тўғрисидаги кўрсатмаларини ижро этиш вақти келди. Хорижий мамлакатлар таълим тизимида, шу жумладан Англияда 6 фан, Францияда 7 фан, АКШ ва Японияда 8 фан ўқитилади. Бизнинг урта таълим мактабларимизда 28 фан, ҳатто 30 дан ортиқ фанлар ўқитилади. Менимча, мазмун жиҳатдан тубандаги фанларни — бошланғич ҳарбий таълим, жисмоний тарбия, йўл ҳаракати қои-

даларини бир фанга, тарих, ҳуқуқшунослик, инсон ва жамият, иқтисод фанларини яна бир фанга; физика, химия, астрономия фанларини яна бир фанга; биология, география ва экология фанларини бир гуруҳга, адабият, одонома ва ҳоказо фанларни бир фанга узаро уйғунлаштирилса, мақсадда мувофиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда мактабларда хорижий тилларни ўрганиш учун имконият тулиқ яратилган дея олмаимиз. Тил ўрганиш ҳам бойлик ҳисобланади. Очиғи, асосан бу борада ҳам қишлоқ мактаблари орқада.

Сирасини айтганда, бугунги кун таълим-тарбия жаҳасига жиддий қарашимизни талаб этади. Шу ақидага амал қилингандагина бу соҳада қутилган натижаларга эришиш мумкин.

Орол ҚУРБОНОВ, Қамаш туманидаги 59-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

Мақсад

НИМА ЯХШИЮ НИМА ЁМОН?

Албатта, азиз муштарий, сизга бу сарлавҳа маъноси тушунарсиз эки бетона эмас. Чунки ҳар биримиз шу номдаги болалар энциклопедиясининг ҳеч бўлмаганда суратларига кўз югуртириб чиқканмиз. Лекин эндиги мулоҳазаларимиз бу китоб бўйича эмас. Тугрироғи, шу кунларда республикамизнинг барча болаларини байрам қайғийтиди. Шундай кунларда ота-оналар ҳам фарзандларига турли хил уйинчоқлар ҳаля қилишади. Афсуски, улар қаторида Хитойда ишлаб чиқарилган портлатчи воситаларини ҳам уратиб олиш мумкин. Ҳамма гап ҳам ана шу ҳақда. Унда энциклопедия китобининг бунга нима дахли бор дерсиз? Жуда дахли бор-да. Чунки у китобга эътибор берсангиз, бу воситалар ҳақида лом-

мим дейилмаганди. Шу сабаб ҳам болажонларимиз балки уни на ёмон, на яхшилигини биллишмас. Гоҳи автобус бекатларида, гоҳи бозорларда, дуч келган жойда кулоқни қоматта келтирувчи овозлар жаранглаб қолади. Биринчи бор бундай ҳолати тунув булган киши «Нима бало, милтиқ отилди» дея ҳайрон бўлади. Аслида эса бу овоз уша Хитой маҳсулотиди. Хуш, сизнингча бу воситалар яхшими ё ёмон? Ушбу саволга жавоб топиш учун ана шундай портлаткичлардан фойдаланган болаларнинг бир нечаси билан уршидик.

Санилимхон ҒОЗИЕВ — 15 еш. Хитойда ишлаб чиқарилган портлаткичдан фойдаланиш натижасида унгу кузи иккинчи даражали қуйган. Натижада қишқи таътил давомида касалхонада даволанишга мажбур бўлган.

(Давоми 2-бетда).

«Электрон почта»ни биласизми? 2-бет

Рақобатга чидаса, қолсин! 3-бет

Гуноҳдан қўрқаман. 3-бет

МММ
БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ
Каттақурғон туманидаги 66-урта мактабда илк бор лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида таълим олган болажонлар томонидан «Алифбе байрами» бўлиб ўтди. Уч кун давом этган бу байрамда Шарофат Холова, Милоҳат Шаропова, Барно Жуманазаровалар раҳбарлик қилаётган 1-«А», 1-«Б», 1-«В» синф ўқувчилари уларнинг урганган билимларини намойиш этидилар. Улар томонидан тайёрланган мустақиллик, она-Ватан, мактаб-жамият кўрқи мавзусидаги қизиқарли кўринишлар, сахна безаклари, шеър ушулалар йиғилганларни тулқинлантириб юборди.

YANGIQO'RG'ONDA YANGI MAKTAB
Yaqinda Yangiqo'rg'on tumanining Bekobod qishlog'ida 43-maktab o'quvchilari yangi o'quv binosiga ko'chib o'tishdi. 420 o'rinni ushbu yangi binoni qurilishida «Namangan qurilish-trestning Chortoq mexanizatciyalashgan bo'ldi. Qurilishga mablag' mahalliy byudjetdan ajratildi.
ҚАДРИЯТЛАРНИ ТИҚЛАШ
Қўқон шаҳридаги 2-болалар ва усмирлар ижодкорлик марказида қишқи таътил кунлари «Истиқлол — нури истиқбол» деб номланган курғазма очилди. Мазкур курғазманинг ташкил этилишини мақсад халқ амалий санъати, хунармандчилик каби халқимизнинг ўқутилиб бораётган қадриятларини тиклашдан иборат.

МММ
«БИЗНЕСЧИ»ЛАРНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ХОНАСИ
Нишон бизнес мактаби маъмурияти яқинда ибратли ишга қўл урди. Бизнес мактабида «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этишга киришилди. Устозлар ва шогирдларнинг ташаббуслари туфайли «Маънавият ва маърифат» хонасида миллий қадриятларимизни ва халқимизнинг доно уғитларини узидо мужассамлаштирган деворий стендлар, туман, вилоят, республика матбуот-нашрларига ағалган махсус бўяқлар ҳам ташкил этилди.
МУАЛЛИФЛАР: Алишер ЖУМАНАЗАРОВ, Х. АБДУРАХМОНОВ, Абдували ОБИДДИНОВ.

ХАЁЛЛАР ИШОНЧГА ЖОЙ БЕРДИ

(Боши 1-бетда)

Хасан Президентнинг «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳам қадим ота-бобларимиздан мерос қолган меҳр бўлишини яна битта кўзига айланди.

Беруний, Амир Темур, Навоий, Улугбек, Мирзо Бобур... Уларни ҳақон билди. Лекин уларнинг ворисларини-чи?

Сунги тузони йилларида бу улуг улларнинг замин осмонини қора булутлар қоплади. Лекин муайян фурсатдан сўнг ҳаёт уз қонунларидан яна биттасининг нақадар одиллигини намойиш этди. Ахир, булут кўениш батомом тусиб туролмайди-да. Бутун уша улуг улларнинг ворислари ҳақон билан юзма-юз бўлаётти. Мана, бу Фармоннинг чиқиши эса жаҳон сари яна бир қадим булди.

Мазкур Фармоннинг биз илганган яна бир аҳамиятли томони шундаки, бутун тег-рамизда улуг улларнинг қобилияти болаларимиз эртага нафақат чет элга чиқиб илм ўрганишга, балки уша илм олиш жараёнида буюк миллиятимизга эзо заковатининг нечдигини курсатади, куз-куз қилади. Бу эса миллиятнинг, жаҳон саҳнисидида нуфузини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу хил ширин ҳаёлларга бораркансан, кучи кечтирилган республика Истеъдодли ёшлар сийти қатнашчиларидаги илмий имкониятларни қуриб, ҳаёллар ишончга

жоЙ берди. Республикаимизнинг турли вилоятлардан келган бу истеъдодли болалар бизнинг назаримизда ешга нисбатан кенгроқ дунёқарашга эгалик туюлади. Улар аниқлиги, бу «сир»ларнинг республика Таълим марказида бўлиб ўтган мунозарали муроқотда «шохор» қилиб қўйилди. Ушбу йилнинг республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, республика ешлар «Камолот» жамғармасининг раиси Хотам Абдураҳимов, езувчи Хуршид Даврон, республика Таълим маркази директори Файрат Шоумаров, республика халқ таълими вазири раис маърузи бўшқармаси бошчилиги Гулдон Алимова, республика «Истеъдод» марказининг Қашқадар вилояти бўлими бошчилиги Курбон Исмомов ва бошқалар иштирок этишди.

Очиқ мулоқотда ўқувчилар бутун биз илган улгурган ва улгурмаган баъзи масалаларни уртага ташлади. Дейлик, жоЙлардаги мактабларда баъзи ўқувчиларнинг билим савияси паслиги, бутунги давр амри билан урта мактабларга кириб борган табақалаштириш системасидан сўнг ўқувчилар руҳий тафовут пайдо бўлганлиги, эртанги мактаб қандай бўлиши кераклиги каби ўқувчиларни қизиқтирган муҳозаэларга вазир атрофида жавоб берди.

«Ўзбекистон — келажак буюк давлат». Демак, у эртага буюк бўлади. Буюклигин буюк одамлар буюк этиди. Улар сизлар бўлишининг керак. Бутун буюклар ўйнаб ўтирган жажжилар бўлади. Сизлар буни тегна хис қилувчиларингиз лозим. Ахир бутун бир мийлат тақдир, эртага сизларнинг қўлигинизда бўлади, — деди мулоқот жараёни-

да Жўра Йўлдошев.

Ушбу мулоқотдан бизнинг яна бир маъно ахриллиг, чиклиги, бутун халқ таълими соҳисидида қанча янгиликлар бўлмасин, болаларимизда дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги таълим стандартларига ҳам эҳтиётчи борлиги сезилиб қолди. Демак, ўша давлатларнинг таълим соҳисидида улуг йилларда эришган муваффақиятларига ўтган озгина фурсатдан сўнг болаларимизда эҳтиёт туғилиши, юқорида таъкид этилган буюк буюкболаларимиз ақли-заковати ҳали бардавломлигини огоҳ этиб турилади.

Энг қувонарлиси шундаки, ушбу мулоқотда ҳозир булган киркита истеъдодли ўқувчи республика ешлар «Камолот» жамғармаси томонидан шу йилнинг 15 февралдан бошлаб ҳар ойда 500 сумдан стипендия берилдиани бўлди. Сунтра истеъдод соҳибларига махсус сертификатлар топириди. Бу ишонч гувоҳнома-ларини республика «Истеъдод» маркази директори Ботир Қодилов таънагани равишида топшириди. Эйтиборлиси шундаки, бу гувоҳнома билан бирга унинг соҳибларига улкан бир масъулият ҳам қўшиб топшириди. Бу масъулият — ишонч.

Дарҳақиқат, қарса маънавиятта, маърифатта эйтибор берилар экан, у жоЙда ушбу иштироқ бор. Бутун мамлакатимиз Президентининг шу соҳалар ривожини учун алоҳида фармонлар чиқариши бу заминда яна улги кишилар этишиб чиклишга имкон яратади.

Алишер НАЗАР,
«Маърифатнинг махсус мухбири»

Хозирги кунда компьютерларнинг қўлланилиши ишлаб чиқариши ва ўқитиш системасини автоматлаштириш билан бир қаторда инсониятни ягона инфо-мация манбаига бирлашти-рувчи катта телекоммуникация тармоқларини яратишда ҳам катта урин тутади. Бизнинг мамлакатимиз бу дунёвий телекоммуникация харақатидан техник сабабларга кура четда қолмоқда. Бу камчиликни тузатиш вақти эса аллақачон етди. Миллий компьютер тармоқлари яратмасдан ва уларни дунёвий инфомация тармоқлари билан боғламасдан Ўзбекистоннинг дунё умумжамиятига кириб бориши мумкин эмас. ХХ асрнинг урталарида дастлаб компьютер мураккаб математик, иқтисодий, халқ хужалик тармоқларидаги ҳисоблашларни бажариш учун ихтиро қилинган машина эди ва уша пайтда илмий тадқиқот муассасаларида қўлланилар ва ута мураккаб қўпол қўрилма ҳисобланар эди. 80-йилларга келиб шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари яратилди, улар оммавий инфомация ва ҳисоб-китоб воситасига айланди. Матнлар билан ишлаш ва апликация яратиш имконлари очилган, бу соҳада ҳақиқий инқилоб юз берди. Энди компьютерларсиз ҳаётни тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди.

90-йилларда эса компьютернинг янги — телефон орқали инфомация айтирбош шиб имконияти пайдо бўлди. Буни «электрон почта» деб ҳам аташади. Дарвоқе, сиз электрон почта нималарни биласизми? Компьютерда хабар ва бошқа инфомацияларни тузиш ва теле-фон тармоғи орқали бошқа фойдаланувчига бориши электрон почта (e-mail) ёрдамида амалга оширилади. Телефон, факс ва оддий почтадан фойдаланиш техник ва моддий жиҳатдан турли қийинчиликлар тугдирар эди. Электрон почта кишилар уртасида домий алоқани таъминлаш муаммосини

ни нисбатан содда ва арзон тарзда ҳал этиш имконини яратди. У бутун инсониятни ягона инфомация ахборот манбаига бирлаштиришга ёрдам бермоқда. Электрон почта иншолиш учун зарур қўрилма модем (модулятор-де-модулятор). Плата шаклидаги модем зарур алоҳида кор-пусда бўлади ёки компьютернинг процессор қўтисига жоЙлаштирилади. Модемнинг вазираси телефон тармоғидан келган сигнални ком-пьютер тушунадиган тилга — байларга айлантириш ва ақинча, компьютердаги ма-тнни оддий телефон сигнали

Таълимда ахборот алмашув

зусида таклиф билан муро-жаат қилган эдим. 1996 йил 7 майда «Евразия» жамғар-маси бу лойиҳани маблаг билан таъминлашга қарор қил-ди ва 23078 АҚШ долларини микдорда пул ажратди. Маз-кур лойиҳа «Евразия» жамғар-маси томонидан Америка Қўшма Штатларининг Халқро Ривожланиш Агентлиги (AID) ҳисобидан молиявий таъминланди ва қўллаб қув-ватланди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Ўз-бекистоннинг вилоятларидаги ўрта давлат университетларида ҳамда Олий ва урта махсус таълим вазириликда электрон почтанинг ишлаши ташкил этилган. Хозирги кун-да лойиҳа бўйича Олий ва урта махсус таълим вазирилик-да, Тошкент, Андижон, Наманган, Нукус ва Урганч дав-лат университетларида элек-трон почта ўз ишини бош-лади. Яқин кўнларда қолган университетларнинг бу тар-моққа киритилиши кузда ту-тилган. Ҳар бир универси-тетта электрон почтанинг иш-лаши тўғрисида семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказили-ши ва уларнинг зарурий қў-лланма ва дастурлар билан таъминланиши лойиҳанинг унумли бажарилишига имкон яратмоқда. Бу борада биз PERCO (Урта Осиёда Иқтисодий Ислохот ва Ривожла-ниш Проекти) ташкилотини му-тахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Хусусан PERCO ҳодими, электрон почтаси директори Нодир На-

ҚИТЪАЛАРАРО МУЛОҚОТ БОШЛАНДИ

ёҳуд «ЭЛЕКТРОН ПОЧТА»НИ БИЛАСИЗМИ?

холига келтириб телефон тар-моғига узатишдир. Бу ишни бажаришда ҳам модемга хиз-мат қиладиган программа зар-урдир. Электрон почта аси-хрон системасидир, яъни жу-натувчи хабарни хоҳлаган вақ-тида тайёрлаб жўнатади, қа-бул қилувчи эса унинг ишти-роғи бўлиши вақтида қўйиди. Бундай алоқа усули, айниқса, абонентлар бир-би-ридан ўзоқ масофаларда (ма-салан, турли мамлакат ва кит-ъаларда туриб) ва уларнинг кўн тартиби турлича бў-лганда қўлайдир. Электрон почта бир компьютердан бошқасига у танлаган абоне-нтга етиб борганча узатила-веради. Агарда почта манзил-га етиб бормаган тақдир-да, одатда сабаби курсатил-ган хабар келади.

1995 йилнинг иккинчи яр-мида мен ТошДУ номидан «Евразия» жамғармасига гран-т олиш учун «Ўзбекистон-нинг университетлари ҳамда Олий ва урта махсус таълим вазирилик уртасида инфо-мация тармоғини яратиш» мав-

оширилиши натижасида Ўз-бекистоннинг вилоятларидаги ўрта давлат университет-ларида ҳамда Олий ва урта махсус таълим вазириликда электрон почтанинг ишлаши ташкил этилган. Хозирги кун-да лойиҳа бўйича Олий ва урта махсус таълим вазирилик-да, Тошкент, Андижон, Наманган, Нукус ва Урганч дав-лат университетларида элек-трон почта ўз ишини бош-лади. Яқин кўнларда қолган университетларнинг бу тар-моққа киритилиши кузда ту-тилган. Ҳар бир универси-тетта электрон почтанинг иш-лаши тўғрисида семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказили-ши ва уларнинг зарурий қў-лланма ва дастурлар билан таъминланиши лойиҳанинг унумли бажарилишига имкон яратмоқда. Бу борада биз PERCO (Урта Осиёда Иқтисодий Ислохот ва Ривожла-ниш Проекти) ташкилотини му-тахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Хусусан PERCO ҳодими, электрон почтаси директори Нодир На-

ИНТЕРНЕТ

РОССИЯ МАТБУОТИ

Россиянинг «Аргуме-нты и факты», «Коммерса-нт», «Отонек» ва «Интер-факс» каби оммавий ахборот воситалари журналистиканинг таъсирчанлигини ошириш мақсадидида журналистларнинг янги иттифоқи — Эркин матбуот академиясини ташкил этишди.

ОТ ОРЗУСИ

Леонарда Да Винчи-нинг ушалмадан орзуси — эни ва бўйи 8 метр, фақат иккита таъниш нугудала тур-руви қўйма бронза оттир ясади АҚШнинг машҳур ҳайкалтарошлик устaxon-ларида амалга оширилди. Буюк бу от алоҳида қи-сметлардан янгида. Леонар-да Да Винчининг 16 йил ичиди ўйлаб чиққан сирини америкалик олоимлар ҳал қилишди.

ШВЕЦИЯ ЭКОЛОГИЯСИ


Швецияда ҳозир йил-ига 1,1 миллион тонна мак-татура қайта ишланади. Бу мамлакатда йиллик ишла-тилаётган қозғонинг 53 фоизини ташкил этиди. Бу кўрсаткич Японияда — 52, АҚШда — 45 фоиз. Шве-циялик эколог олимлар фикрича, 2 мингйиллик ил-да бориб бу кўрсаткич 70 фоизгача кўтарилади.

БИР УМРГА ТАЛАБА

Италиянинг Абрүции шахрилик Марио Петрар-ке 1970 йили 7та дипломи бўлишига қарамай, 1979 йили ҳуқуқшуносик, 1982 йили фалсафа ва 1985 йил-да ижтимоий фанлар бўй-ича мутахассислиқни эга-лади. Билимларининг бар-часини эгаллаш натижаси-даги 85 ёшли «табаъка» ҳо-зир педагогика институт-да ўқиниш давом эттир-моқда.

XXI АСР ФОТОАППАРАТИ

У кўпроқ компьютерга ўқшаб кетади. Фотоаппа-рат юздан ортиқ суратни колларга айлантириб, хо-тирға жоЙлаштирилади ва исталган пайтда чиқариб бера олади. Мутахассислар 3 минг долларлик бундай фотоаппаратнинг тақомил-лаштириб, нархини мақ-бул даражага туширмоқ-чилар.



Ёқутхон Раҳмонова — пойтахтимиздаги 41-ўрта мактабнинг олий тоифали математика ўқитувчиси. Тажриба билимининг ўрнини босар, дейишади. Айни пайтда билим ҳам тажрибанинг ўрнини босиши мумкин экан. Ёш ва билимдан муаллима Ёқутхон Раҳмонованинг дарсларини кузатиб шундай фикрга келиш мумкин, дея туйқўлик беради суратқаш Равил Альбеков.

НИМА ЯХШИЮ НИМА ЁМОН?

(Боши 1-бетда).

куриб, нега лом-мим дейиш-майди. Ақинча, узлари совға ҳам қилишади. Бунга бир воқеани мисол қилиб қуриши-миз мумкин.

Янги йил олдидан бир дустим кишлоққа жўнаб қолди. Кузатиш учун Жанубий темир йул вокзали бекатига бордим. Чамаси, 4-5 ёшлар атрофидаги бир бола тинмай портлаткичларни тутатиб, қарсиллаган овоздан қувонарди. У ён-ён енга утаётган йулочиларга бу ёмон таъбир қилса ҳам «боло-да» деми, индамай кетавериш-ди. Шу пайт яқин орадаги савдо-гар бир опазон: «Ҳей бола, бўлди бас кил, йўқса милли-цията бериб юбораман» дея бо-лаларча дўқ утди. Афсуски, бу боланинг химоҷисини бор экан.

Отасини «бу ерга ҳеч ким ҳуж-жайн эмас, отавер, уғлим» ка-би далласидан сўнг бола яна уша машғулотини давом этти-раведи. Бундай ҳолда ота-она-лардан айлаш уринли эмасми? Ахир, фарзанд камолотиға ҳар бир ота-она биринчи навбатда жавобгарлар-ку?

Мана, масаланинг бир томони ойдинлашди. Хўш, иккин-чи томони нимадан иборат лер-сиз? Энг асосийси, ҳам мана шунда. Яъни бола тарбиясига ва маънавиятга етилган зарар. Кўпчилигимиз: «Э, шу ҳақ маънавиятга зарар қилдири-ми?» дейишгилми мумкин. Шун-дай фикрдаги юртдошларимиз-га хулоса чиқаришда бироз шоммасликнинг тавсия этардик. Ахир, уша бола болаларча со-ддалик ва қизиқувчанлик оқи-батиди шу воситани сотиб ола-

ди. Натига эса юқорида маълум бўлди. Шунинг уриниға бирор китоб олиб ўқиса, уша болани-нг маънавияти оз бўлса ҳам бойирди-ку? Уз навбатда ота-оналарда ҳам ҳақли дам туги-лади. Шу портлаткичлар ре-спубликамик худудига нега ки-ришмоқда? Эки нега уларни сотатган тижоратчиларга чора қурияманми? Чора-ку, қури-ляйитти. Қонун йўли билан яқинда бундай воситаларни сав-до қилиш тақиқланди. Лекин бизни ҳам ўйлантириб қўйган яна бир савол бор. Ҳақиқатан ҳам хорикжан келаватган ҳар бир махсусот текширилиб, кейин республикамиз худудига кир-итилиши. Шун, уша нега, бу во-ситалар зарарли эканлиги маълум бўлса-ю республикамиз худудига келтирилмоқда?!

Ҳайрулло
АБДУРАХМОНОВ.

БОШЛАНЧ СИЅФ ЁҚИТУВЧИЛАРИГА ЁРДАМ

БИРИНЧИ СИЅФДА ЁЗМА ИШЛАР

Биринчи синфда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини устириш узвий равишида олиб борилади. Дастлаб кучи-риб, езув машқлари ўтказилади. Сўнг бўгин, сўз, гап, кичик ҳажмдаги матнларни ошпитиб езини ўргатилади. Бу ишлар аста-секин болаларда имло қоидаларини узлантири-риш имконини беради.

Диктант езини орқали ўқувчиларнинг хотираси барқа-рорлашади, фикрлаш доираси кенгайди.

Диктант езишда ўқувчиларнинг имониятларини ҳи-собга олиш жуда муҳимдир. Бола ешитган сўз, гап ва матнларнинг маъносини тушунган ҳолда хатта туши-риб, езаганда чироий езув қоидаларига амал қилиб, ўз-узини бошқариб, езанларини мустақил равишда назо-рат қилишга ўрганиши лозим. Чўнки ўқувчи диктант езишда сўзининг ҳарфий ифодасини қурмай, ешитиш, та-саввур қилиш орқали товушлар шакли, ҳарфларни даф-тар чизкиларига турғи жоЙлаштириб езини мураккаб аф-лий жараёни тақоэо этади. Бу ишларда психологик, педагогик фаолият узвий равишда юзага келади. Ўқитув-чи ўқувчиларнинг эркин ишлаши учун имоният бери-ши, уларни қўллаб-қувватлаши, қийин сўзларини хаттах-тага езиб бериши, қўп бўзунли сўзларни такрор ўқизи-ши мақсадга мувофиқдир. Шўнинг учун ҳам диктант имло-ни ўргатишда ўз табиатига кура тула равишда таълимий ёзма иш ҳисобланади.

Диктантлар мақсадига кура икки турга бўлинади:

1. Таълимий диктант. Диктантни бу тури ўргатишдан мавзуларни мустақамлаш мақсадидида езув дарсларининг маълум бир қисмида машқ сифатида ўтказилади.
2. Бўшланччи синфларда таълимий диктантларнинг қуйи-даги турларидан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Лугат диктант.
2. Сайланма диктант.
3. Курсатил ш диктант.
4. Ед езув диктант.
5. Таъкидий диктант.
6. Изоҳди диктант.
7. Ижодий диктант.
8. Эркин диктант.

Биринчи синф ўқувчилари бу диктант турларидан ижодий равишда ўз ўқувчиларининг узлаштириш даража-сига қараб фойдаланишлари керак.

II. Текшириш диктант. Диктантнинг бу тури ўр-ганиланларни ўқувчилар томонидан қанчалик узлашти-рилганини аниқлаш мақсадидида ўтказилади.

БИРИНЧИ СИЅФ
ЛУГАТ ВА ИЗОҲЛИ ДИКТАНТЛАР.

0. t. ot.
- A. ot, ota.
- N. Ona, ana non.
- I. In, it. Ana it.
- I. il, ol, Ali, ana Lola.
- M. mol, mana, malla, Olim, mana olma.
- U. Un, tun, Lola ana un.
- D. Don, dona, dala, dada. Damini doni oldi.

(Давоми бор).

ИСТЕЪДОЛ БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Куни кеч Тошкент вилоят педагогик ҳодимлар малакасини ошириш институтида «Ўқувчилар қобилиятининг диагностикасида илмий етишлар» мавзусида илмий услубий семинар бўлиб ўтди. Уни Тошкент вилоят педагогик ҳодим-лар малакасини ошириш институ-ти ректори Д. Малюков кириш сўзи билан очиб, Тошкент вилоят-ти буюк истеъдодли болаларни аниқлаш, қобилият йўналишлари-га кура лицей, гимназияларга жал-об этиш ҳозирги куннинг энг дол-зарб ваъзларидан бири эканли-ги, мазкур услубий амалга оши-ришда психологик фанларни ном-эоми М. Бобохонова раҳбарлик қи-лаётган «Истеъдодли болалар пси-хологисини ва психологиктақис-лабораторисини илмий ҳоимлари-нинг алоҳида урин борлиги, бу борада лаборатория ҳоимларини оқ-руқ илмий изланишларга олиб бо-риётганликларини ҳаққиди таъкидлаб ўтди.

Шўнингдек, илмий-услубий се-минарда лаборатория мудири, психологик фанлар номзоиди М. Бобохонова «Ўқувчиларнинг ко-билият даражасини аниқлаш диа-гностикаси», илмий ҳоим Д. Доцен-т В. Феофанов «Ўқувчилар қобили-ти йўналишларининг диагностика-си», илмий ҳоим С. Мирзалиева «Турли қобилиятли бол-аларнинг тестлар тузиш усули», ил-мий ҳоим С. Мустифисова «Ўқув-чилар қобилиятини баҳолашга ис-тил етишлар» мавзуларида маъруз-а қилди.

Илмий-услубий семинардаги ҳар бир маъруза типологиклар ора-сида қизгин баҳсларга сабаб бўл-ди, маърузачилар ҳар бир саволга илмий-амалий диллар асосида жавоб бериб, олиб бориётган ил-мий изланишларнинг илмий си-васини юқориликни намоян этил-ди.

Кодиржон
АМИРЖОНОВ.
Муҳаббат
МАХСУДОВА.

Олимпиада — 97

САТРЛАРГА КЎЧГАН ТУЙФУЛАР

шаҳар олимпиадаси жараёнида тўғилган баъзи мулоҳазалар

Шу кўнларда республика-миканнинг барча вилоят ва ша-ҳарларида фан олимпиадала-рининг III босқичи ўтказилмоқ-да. «Еш адабиятчилар» олимп-иадаси Яқкасарой туманида-ги 73-мактабда бўлиб ўтди. Катнашчилар турли мавзулар-да иншо ёздилар, тест синов-ларидан ўтдилар ва бадий ўқ-иш маҳоратларини намойиш этдилар. ТШУМОИ ус-лубчиси Феруза Муҳамедова бошчилигидаги ҳаёт аэзо-лари А. Фазлиддинов, А. Рау-фов, Р. Музаев, М. Раҳимова, Г. Тоҳирова ўқувчилар били-мини одиллик билан баҳола-дилар.

Олимпиада қатнашчилари-дан Фарҳод Алимҳамедов (ўз-бек-турк ўғил болалар ли-цейи), Матлуба Раҳмонқул-ова (нафис санъат лицейи), Абдулазиз Исмоилов (ўзбек-турк ўғил болалар лицейи)лар энг қўп балл тўғлаб, 1-ўрини эгалладилар. Тақдиллар шуни курсатдики, нафис санъат ва ўзбек-турк лицейла-рида теста алоҳида эйтибор қаратилар экан. Урта мактаб-лар уғил-қизларининг муста-қил ва ижодий фикрлаши, шеъронлиққа қизиқиши куч-ли эканлиги маълум бўлди.

Собир Раҳимов туманида-ги 249-мактаб ўқувчиси Дил-шоҳ Расулва, Ақмал Икро-мов туманидаги 4-мактаб ўқу-вчиси Дилноза Ёқубова, Юн-субод туманидаги 260-мактаб ўқувчиси Замира Азимжўае-валарнинг ижод намуналари-ни ҳам ҳайрат аэзолиари яши

Баҳолашди.

Олимпиада қатнашчиси Фа-рида Маҳкаматова эса илк қи-тоби — «Кўчаларда қолган бола-лиқ» номли ҳикоя ва шеърлар тўғламини ҳақамлар ҳайратига тақдим қилганда, «Кеча ва кун-дуз» романи қаҳрамони Мире-кубга битган мактубини ўқи-ганимизда қалбимиз фаҳрга тўл-ди. Фарида ушбу шеърини ёниб ўқиди:

Кўрганмансан бошланг чечакни? Узилган гулли-чи... Ҳидлаганманми? Кўриган нихолга ачинганми-сан? Уртанганмансан бу гўссали дунёга ҳеч? Тирноққа зор ўтган Ё тирноқи зулм этган Инсонларга-чи!!

Мўқаддас Эралиева эса Ку-муша мактаб ёзиб, дил суэла-рини куйдиғанига ифодалайди: — Қумуш опа, гоҳида ўйлаб, сизга тан бераман. Сизнинг гу-заллигингиз сирини сизда муҳа-сам бўлган ҳар, ибо, маъсуам-лик эмасми? Отабекнинг севи-га азобида қийнаган сизнинг уя-чан ниғоҳларингиз эмасми? Ҳо-зирги замон қизлари сиздан шу фазилатларни ўрганиб, са-боқ олсалар арзийди.

Албатта, барча ижодий иш-лар шундай самимий ва таъси-рчан ёзилган деб бўлмайди. Айрим ўқувчилар мактуби «Со-ғинчли салом хат», «Ушбу мак-тубни ўйнаб-қулиб юрган синг-лингиздан билурсиз» деб бош-лаб, соғлиқ сурашиб, ўз фикр-ларини билдирмай қўқилаб

қуйганлар. Мактуб — бу од-дий ёзишма эмас, фикр бил-диришнинг янги бир усули эканлигини устозлар тушу-нтирмоқлари лозим.

Сирасини айтганда, ўқув-чиларнинг китоба, матбуот-га қизиқишлари яқши эмас. Жаҳон адабиёти ва ўзбек ада-биётининг сара асарларини ўқиманганлар, асарлар ҳақи-даги умумий фикрлардан на-ри утолмайдилар. Уларнинг се-вимили наурлари — «Гулхан», «Еш кўч», «Ёшлик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» каби дардан узилиб қолганлар. Ед олинган шеър-лар сонин ҳам 4-5 тадан орт-майди. Катнашчиларнинг айримлариғина Сирожиддин Саййид, Зебо Мирзоева, Са-лим Ашур, Абдуваҳид Қўтбид-дин кабиларни ўқиб экан. Ҳо-зирги кунда бу ижодкорлар-ни ўқимаслик мумкинми? Йўқ, албатта.

Истардики, Фарида, Фар-ҳод, Саида каби илмга таш-на ўқувчиларимиз қўймаи. Зеро, олимпиада қатнашчи-си Матлуба Раҳмонқулва ёз-ганидек: «Мустақил Ўзбекис-тон 5 йшга қадам қўйди. Бу қадам дунёга танилишга, яқ-ши яшашга, гузал ҳаёт яра-тишга, фақат эш ўшлар қи-лишга ташланган». Биз эса ана шу қадам қўлув-бу-лишини, ўқувчиларимиз ора-сидан етук адабиётшунос ва олимлар, шорларлар қўл-лаб етишиб чиклишини талаб қо-ламиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Маърифатнинг жамоатчи мухбири»,
шаҳар олимпиадаси ҳайват аэзоиси.

Қишлоқ ишбилармонлари

ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ

Бугун қишлоқда яшаб, фермерлик қилиш, бориға барака киритиб, йўғини йўндириш уз-узидан бўлаётгани йўқ. Фермер, тадбиркор, ишбилармоннинг қалбига қулоқ тўтсангиз, дарди — айтар гаплари оз эмас.

Мамаражаб ака ҳам фермер. Асли қасби ўқитувчи. Нафақага чиққан бўлишига қарамай ишбилармонлигини кўрсатаяпти.

— Сиз, бугунги тадбиркорни, фермерни қандай тасаввур қиласиз?

— Умуман олганда, фермерликка салоҳиятли кишиларгина қўл уришса яхши бўларди. Чунки, ҳолва деган билан оғиз чўчимайди. Югур-югурлари куп, фақат имкон ахтариш керак.

Узидан қиёс, нафақага чиқиб, яхши ниёт билан Улугбек номидаги фирма очдик. Дастлаб иш бошлаганимизда биргина тикувчилик цехи бор эди. Орадан икки йил ўтиб, Шеробод бозорида ўн тача савдо дуқони очдик. Озроқ сармомга эга бўлгач, нон ёпиш, новвот тайёрлаш цехларини вужудга келтирдик. Иккита ошхонада миллий таомлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Лекин бу ишлар уз-узидан бўлиб қолгани йўқ. Дастлаб роса ўйга ботдим: «Ишларимиз юришиб кетармикан?» дея. Уғилларим: «Ота, қўйинг шу ишларингизни, бизга нима етмайди, ахир одамлар гапиришяпти», дея танбеҳ берган бўлишди. «Ахир мен бу ишларни етишмовчилик туфайли қилмапман», дедим улarga қатъий. Ут-кинчи тўсиқлар, муаммолардан чўчиб, қўлимизни ювиб қўлиққа урсак, ким юрт фаровонлигига ҳисса қўшади?

Мамаражаб ака қишлоқнинг чанг-тўпқоғли муҳитига кўнкан эмасми, унинг феълйи ҳам, фикру-уйлари ҳам жайдари эди. Ана шу жайдари фалсафа, чўртқасарлик туфайли Улугбек номидаги фирма бугун кўпчиликнинг тилига тушди. У айтган гапда турди. Бир сўми икки бўлганида, лабзини ютиб, ғирромлик қилмади. Пешона тери, тадбиркорлик билан топилган фойдадан шифохонадаги беморларга, кам таъминланган оилаларга, болалар ўйига хайр-эхсон ушлади.

Дунёда энг ёмон нарса ҳасад, ички-қоралиқдир. Бу иллатнинг қулига айланган кимсалар бор экан, яхшиларнинг боши доймо ташвишда. Мамаражаб Қўлиев ҳам ўз умрида ана шундай одамларга бир эмас, бир неча маротаба дуч келган. Ҳар сафар абадийят қонуни — ҳалоллик, сабр-бардош, тўғрисиқлик улардан устун чиқади.

Хуллас, уша хайр-эхсонлар кимнигдир кўнглига ботинқирамаган, шеклили, бу ҳақда вилоят телевидениеси орқали намойиш этилдию жамоанинг боши галвадан чикмай қолди. Ҳар сафар текширгани келишганда, савол

шундан иборат бўлди: «Қайдан олдинг, қайдан топдинг?»

— Худого шўқрки, эндиликда таъмагир, тирноқ остидан кир кидирувчи, эл-юрт ишониб топширган мансабни суистеъмол қилувчиларнинг пайи қирқилмоқда, — дейди фермер.

— Президентимизнинг Вазиравлар Маҳкамаси йиғилишида: «...3700 корхона ва ташкилот бўйича ўтказилган текширувлар таҳлилидан маълум бўлишича, 1995 йилда ва шу йилнинг биринчи ярмида бу корхона ва ташкилотлар 21 минг марта ёки урта ҳисобда олганда, уларнинг ҳар бири турли оргaнлар томонидан 5-6 мартадан текширилган», дея қўнганларича бор. Текшир-текширлар кимга керак, у ишга ҳалал беради, холос.

Хуллас, ўша «ков-ков»лардан кейин Мамаражаб ака фирма ишлаб чиқарган маҳсулотларни матбуотда реклама қилишни ҳуш кўрмайди бўлиб қолди.

— Эшитимизми, ипак йиғирадиган цех очибсиз? — сураймиз у кишидан.

— Аслида ўша цех деяртганингиз қачонлардир қурилиши бошланиб, маблаг йўқлигидан ташлаб қўйилган бино эди. Уни сотиб олиб, ипак йиғирадиган хусусий фабрикага айлантирдик. Икки сменада ишлаптимиз. Йиғирилган ипаклар Марғилондаги газлама фабрикасига сотилмоқда.

Мамаражаб ака голландиялик ишбилармонлар билан ҳам шартнома тузишга эришди.

— Маҳсулот узимиздан чиққан, уни Марғилонга ошириб, ҳаражатни кўпайтириб, нима қилдик? Олдимиға тўқмачилик корхонаси қуриб, шу ернинг узидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришимиз яхши-ку! Бафуржа ҳисоблаб чиқсам, биргина шу кичик корхонанинг узидан 50 миллион сўм даромад қилармикан. Бунинг устига, 250 киши иш билан таъминланди. Худо хоҳласа, келгуси йилга бориб яна 250 кишини ишга жалб қилиш имконияти очилди.

Тадбиркорлар қорвачиликка ҳам қўл уриб қуришди, ишлар бинийдеқ юришиб кетди. Ҳозир улар иктиварида 40 бош совлиқ, 10 бош согин сипир бор. Ишчилар сут, қатиқ, сариг' бўлиб таъминланаяпти.

— Яхши ниёт, ярам давлат, — дейди фермер. — Ниятларимиз холос. Худо хоҳласа, шу йилда хориқлик ишбилармонлар билан бошлаган ишларимиз меваси кўзга ташланиб қолади. Қорвачилигимизга кўт-барака берса, сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона қўрқоқчимиз. Нима бўлганда ҳам қишлоқда сўт-қатиқсиз, гўштсиз ўтириш уят.

Сафар ОМОН. Сурхондарё вилояти.



Пойтахтимиздаги 63-ўрта мактабда миллий тарбия асосий мезон қилиб олинган, десак асло муболага бўлмайди. Негаки бу ерда ўз касбини ҳақолат ва сўққидилдан адо этиётган ўқитувчилар кўпчилиги ташкил этади. Олий тоифали меҳнат таълими фани ўқитувчиси Марҳаб Шарипова ҳам мана қарийб 42 йилдири, ўқувчи қизларга тикиш-бичишнинг сир-сироатларини кўнгил билан ўргатиб келаяпти.

СУРАТДА: фидойи муаллима М. Шарипова қизларга тикиш-бичишнинг сир-сироатларини кўнгил билан ўргатиб келаяпти. Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Янги турдаги таълим нуқсасаларида

Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетиде ташкил этилган иктивори ўқувчилар учун муължалланган гимназия тўғрисида ёзмокчи бўлиб, гимназия директори, физика-математика фанлари номзоди Баҳодир Йўлдошев билан учрашганимизда: «Ука, ишни энди бошладик, ҳали бирор натижага эришганимиз йўқ. Ҳеч бўлмаса, биринчи чорак якунлангандан кейин келсангиз», — дея илтимос қилган эдилар. Биз гимназияга иккинчи чорак ўқувлари якунланиш арафасида яна ташриф буюрдик.

Бир ерга биринчи гал келган киши университет кўчосида чопқиллаб юрган болақайларни кўриб: талбалар ўрнига — ўқувчилар, деган ўйга боришиб, таажжубланиши табиий. Ха, шу ўқув йилдан бошлаб университетда гимназия очилди. Бу ўқув масканида ректорлик вазифасини бажарувчи, академик Тўрабек Долимов ташаббуси билан физика факультетиде бўшаб қолган аудиториялар қайта таъмирланди, 100 дан зиёд янги парта ва столлар билан жиҳозланди.

— Ёзда гимназияга ўқишга таклиф этиб, га

зетага эълон берганимизда бир ўринга учтадан зиёд ариза тушганда, — дейди гимназия директори Б. Йўлдошев. — Аммо биз улардан 96 нафар энг иктивори, билимдон ўқувчиларни имтиҳон асосида ўқишга қабул қилиб олдик. Дарҳақиқат, Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети Марказий Осиедаги энг кекса, шу билан бир қаторда юкори даражадаги илмий-техникавий салоҳиятга эга

курлаштириб ўтиладиган фанлари узиде синф ўқувчилари яна иккига бўлинди. Бу эса ўз навбатида дарслар самарадорлигини, уни ўқувчиға тез етиб боришни таъминлайди. Бугунги кунда гимназия ўқувчиларида психологик ўзғаришлар юзга келаяганини кузатиш мумкин. Ҳозирда мустақил дарс

тиш суръати пассиваслиги, ота-оналарнинг улардан ишончи йўқоқмаслиги учун, сизингиз, нима-ларга кўпроқ аҳамият берилиши лозим?

— Гимназия, лицейлар олий ва ўрта таълим ўқув юртлари ўртасидаги восита. У мактабдаги нисбатан ўқувчи билимини ривожлантириб, олий ўқув юртларига тайёрлайди. Менимча, уларни ҳадеб кўпайтиравермасдан, балки озгина соғина мақолиға амал қилиниши керак. Яъни ҳар йили шаҳар, туман, вилоятлардаги гимназия, лицейлар ўртасида кучли мусобақалар уюштириб, ўқувчи ва ўқитувчилар билимини синновдан ўтказиш лозим. Мусобақаларда энг паст натижаларга эришган гимназия ёки лицейни аввалги ҳолатига тушириш, фақат энг кучлиларини қолдириш зарур. Шундагина кўзланган натижаларга эришиш мумкин.

Н. ОЧИЛОВ, «Маърифат» муҳбири.

«РАҚОБАТГА ЧИДАСА, ҚОЛСИН!»

бўлган илм даргоҳи ҳисобланади. Бу билим ўчоғи ўз бағрида яна бир янги фарзандини ўсиб-ўлғайтирса, яна бир замин тайёрласа, бу ажабланарли эмас. Гимназияда асосан инглиз тили, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, математика ва тарих фанлари чуқурлаштириб ўқитилмоқда. Янги ташкил қилинган учун бу ерда ҳозирда 6-, 7-, 8- (2 тадан) синфлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида 18 нафардан ўқувчи таҳсил олади. Муҳим жиҳати шундаки, чу

тайёрлаш ҳисси уларда ортиб бормоқда. Гимназия директори Баҳодир Йўлдошев 20 йилдан ошдик, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитишини самарали, янгича усулларини излаш ва амалда қўллаш борасида иш олиб боради. Шунинг учун бўлса керак, гимназияда дарс бераётган 30 га яқин профессор-ўқитувчиларнинг аксарият қисмини авваллари ўрта мактаб билан боғлиқ бўлган, ўрта таълим педагогикаси ва

билан суҳбатимиз якунида у кишиға қуйидаги савол билан мурожаат қилдим: — Баҳодир ака, кейинги пайтларда бир қанча намунали мактаблар ўз фаолиятларида «бурилиш» ясаб, гимназия, лицейларға айланиб қопляпти. Шу сабабли қўлингизга ота-оналар болаларини мактаблардан олиб, гимназияларға беришяпти. Кун келиб гимназия, лицейларнинг обрўйи тушмаслиги, ўқи-

бар эмаш. У тасаввур этармикан, эртаға саҳавати инсонлар кўмағида Санжар ўз йулини топиб, улғайгач, унда падардан юз уғриришини?

Эй, яхшилар! Тўғри бугун бироз мушкул даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Ҳамма нарса осмонда! Лекин меҳр-оқибат, мурувват, одамгарчилик ҳам қимматлидими? Дуппини ерга қуйиб ўйлаб қурайлик...

Мен бу гапларни Санжарнинг амма-холаларига, меҳрибон ўқитувчиларига айтмоқдаман. Наҳотки, 3-синфда ўқийдиган Санжар деган шогирди мактабин ташлаб кетса-ю унинг синф раҳбари, мактаб директори ташвишланмаса! Эҳтимол, Санжарнинг ҳаётдан безишиға сиз ҳурматли устозлар ҳам сабабчи бўлгандирсиз.

Инсон очликдан, қийинчиликдан улмаслиғи мумкин. Лекин уни лоқайдлик, меҳрсузлик, манқурлик фожиғага олиб келиши аниқ!

Ясавий ҳазратлари айтгандек: **Бешак билинг, бу дунё борақ элдин ўтара, Инонмағил молинга бир кун қўлдан кетаро...** Келинг, ҳамюртлар! Бой бўлайлигу шу билан бирга саводли, маърифатли бўлайлик. Кечаги хатолар учун бугун азаб тортаямиз. Бугун хатоға йўл қуйсак, айниқса тарбияда, эртаға афсус тортишимиз, шубҳасиз!

Муҳтарам замондошим! Санжарға ухшаган гудакларнинг юкоридаги аҳволга тушишиға қайси биримиз айбодирмиз? Сиз нима дейсиз?

Марди ОЧИЛОВ, Алишер Навоий номидаги СамДУ ўқитувчиси, халқ таълими аъlochиси.

Боши ўтган сояларда.

(Давоми бор).

Тошкент — Қўнғирот

Тошкент — Қўнғирот поезида Самарқандға келиб Тўхтаганда соат миллиари эндиғина учни кўрсатарди. Баҳорнинг наммуш ҳавоси этни хужиктиради. Поезддан тушди муғала-воқур, шовқин-суронли вокзал ичига узимни урдим. Ичкарида ҳам ҳадеганда исийвермадим, узимни отвганин юзлаб одамлар ивчудан биронта таниш ахтараман. Босиб келаятган тонг ўқусини ҳайдаш, исиниш мақсадида вокзал ичидеги тамаддохонаға бордим. Буфетдан бир стакан кофе, бутерброд олдим. Эринибгина тамадди қила бошлади, тезроқ тонг отсаю менинг сафардан келишимни орқибки қутаётган хенжаларин Хуршиджон ва Боху билан дийдор қуришсам. Ҳаёль оғушида нонушта қиларканман, бир вақт мен овқатланадиган стол қаршисида иккала қўлини янгиға тираган, сап-сарик сочлари узига ярашиб турган, момий куз, тўққиз-унешлар чамасидеги ўғил боланинг менға бакрайиб қараб турганлигини қуриб қолдим. Дарров эс-хушимни йиғиштириб олиб болага:

— Ҳа, хия, овқат ейсанми? — дедим. Бола овоз чикмасдан «ха» дегандек бошини қимирлатиб, кузларини пирлиратди. Мен уни узим еб турган бутерброд билан сийладим. Қўлиға турт сум бериб, кофе олиб келгин, дедим. Пулни олган, хурсандчилиқдан унинг кузлари оловдек ёниб кетди.

Бола олдига қуйилган бутербродларни шоша-пиша еяр эди, гўв бироз тортиб олаётгандек. Менинг уйкум батамом қочиб кетди. Совқотганларим эсимдан чиқиб, унинг умрида таом қурмагандай овқат таноувулоғини кузатардим. Бола ҳаш-наш дегунча стакандаги кофе ни ичиб тугатди, аммо нон ейишдан тўхтамас эди. Мен унга яна кофе ичасанми, дедим. У бу сафар овоз чиқариб, «ха» деди. Узим буфетдан бориб бир стакан кофе келтириб берди, ниҳоят қорни тўйди, шекилли, менға қараб:

— Амаки, қолган нонларни олсам, майлими? — деб суради. Мен майли дегандай, бош қимирлатдим. Бола қолган нон бўлақларини ушогигача йиғиштириб олиб, костюмининг ягона, йиртиқ чўнтағига сола бошлади. Мен унинг устбошларига разм солдим: эндида йиртилди кетган, ёқалари кир қўйлақ, унинг устидан эса эски халат, бирорта тугмаси ҳам йўқ. Энг юкорида ранглари учиб кетган жиғаранг костюми бор эди. Ов-

май менға термулади, У «ха» дегандай боши билан тасдиқлади. Мени ҳаёль уз оғушиға олади. Бола рост гапиряптими еки ёлғон? Мабоодо алдаётган бўлса-чи? Нима қилиш керак, мабоодо узим билан уйга олиб кетсам, аллақандай қаллобнинг боласи бўлса-чи? Эртаға хизматта тўхмат қилиб, боланин уғриллаб кетди деган тўхматға қоламайманми? Эс-хушимни йиғиштириб олиб яна Санжардан сурайман:

— Санжарбек, икки кундан бери қаердан овқат единг? — Бу ерда ўрни болалар бор, амак. Уларнинг қўли менға ўхшаб уйдан қочганлар. Мен улarga қўшилиб олдим. Кундузлари бозорларга бораимиз. Улар нон, мевачева уғриллашди, бирға еймиз,

ГУНОҲДАН ҚЎРҚАМАН

кечалари эса вокзалға келамиз. — Сен ҳам ишқилиб уғирлики урганиб олдингми, Санжарбек? — сурайман ундан тусмолаб. — Йўқ, асло, гуноҳдан қўрқаман, — бошини эғади Санжарбек. Миямда ҳар хил фикрлар: Бир кунглим узинг билан олиб кет. Ун бола боқишға етган қудратинг, яна бир бола боқишға етмайдимини деса, иккинчи бир турген балодан ҳазар, холис хизматнинг жаборини тортиб юрмагин, дейди. Санжарбекка ҳозир келаман, кутиб тургин дедим-да, вокзал ичиде жойлашган милиция бўлимиға йўл олдим. Милиция хонасида ешгина, келишган, қуринишдан анча сипо лейтенант ва яна уч-тўрта сержант йигитлар утирган экан. Уларға ҳозиргина булган воқеани айтиб бердим. Агар иложи бўлса, Санжарни ота-онасига топширишлари-

ни, уларни инсофга келтиришларини илтимос қилдим. Лейтенант: — Бўпти, домла. Хотиражм браверинг, ҳаммаси сиз айтгандай бўлади. Эрталаб болалар милицияси келади. Унга топширамыз, ҳаммаси жоғнда бўлади, деб мен билан хайрлашди. Мен Санжар утирган томонни кўрсатдим. Куттиб залиға чиқиб кетдим. Ҳамма ўзи билан ўзи овера, зал тўла одам, ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Менинг кузларим эса Санжарни излайди, бир вақт не куз билан қурайим, новча милиционер менға ёқиб қолган уша Санжарни, Санжаржонни этагинда маҳкам ушлаганча одамлар куз унгида туртиб-сиртиб милиция хонаси томон сударар эди.

майди-я! Санжарни узим билан уйга олиб кетдим. Санжар бизникида иссиқ ваннада мириқиб чумилди. Эҳтимол, яқин орада бундай ҳузур қилмаган бўлса керак. Санжарнинг эндиғи тақдирни мени безовта қиларди. Узун тунарлар уша алла айтган, не-не орзу-умидлар билан бешиқ тебратган ойиси Санжарни соғинамадимки? Санжар йўқолганидан ташвишға тушмадиммикан? Нима бўлди экан? Бунисини худо билади. Мен Санжарға дарҳол уйига бориши кераклигини тушунтирдим. Қўлиға пул бериб, кузатиб қуйдим. Лекин шундан жўн қалбим безовта.

Неға Санжар шу аҳволга тушиб қолди? Бунинг учун ким айбодор? Уч ўғил билан онасини уйдан ҳайдаб юборган узининг ҳақиқий отасиғи? Санжарнинг менға айтишича, дадаси барваста, ёш, келишган, мўйлоқ қўйган йигит экан. Ҳатто «Волга» си

Боши ўтган сояларда.

(Давоми бор).

